

ANJUMAN | KONFERENCLAR | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022

ERNEST XEMINGUEY
(1899-1961)

Chol qushlar va ayniqsa, belinim oziq
axtariib uchgan, ammo deyarli hech qachon
uni topolmaydigan jumlil va nozik dengiz
qaldirg'ochlariga axtariib ketar va qushlar
turmushi, qirin-qora va katta, kuchli
qushlarni hisobga olmayanda, buning kun
kechirishimizga qaraganda ham juda og'ir.
Okean gohida shu qadar ham beshim dollar
ekan, nima uchun qushlarni mana bu
dengiz qaldirg'ochlari singari nozik va
shikasta qilib yaratganlar. Okean saxsi va
go'zal, ammo u go'ho to'satdan shunday
shaf-qatsiz bolib ketadiki, uning ustidagi
oziq dindagi chary urib chonib, o'zi va
mungli ovoz bilan bir-birlariga jo' bolib
uchgan bu qushlar unga nisbatan
beshinoya zalf va mo'ri ko'rinadi.

"CHOL VA DENGIZ" ASARI

AVGUST

№43



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 43-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 август 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Ашурова Наргиза Аъзамовна

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ
МОЛ-МУЛКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ..... 7

2. Rakhmonov Bekzod Khasanovich

COMPARATIVE APPROACHES TO THE CONCEPT OF CORRUPTION RISKS 11



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ МОЛ-МУЛКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Ашурова Наргиза Аъзамовна,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
доценти, ю.ф.д.

Аннотация: Мазкур тезисда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи давлат муассасалари мол-мулкнинг ҳуқуқий режими назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тадбиркор, иқтисодиёт, ҳуқуқ, давлат, мулк, хўжалик.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бозор хўжалик шаклига ўтилиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй беришига замин яратиши билан бирга, юридик шахсларнинг кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли муассасалардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий шакллари янгича муносабатда бўлиш заруриятини юзага келтирди. Асосан нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириши билан бирга, мулк муносабатларнинг ҳам фаол иштироки ҳисобланган муассасаларнинг фуқаролик муомаласига кенг жалб этилиши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мазкур субъектлари ҳуқуқий мақомини янгича баҳолашни талаб этади.

Таъкидлаш лозимки, муассасалар юридик шахсларнинг нисбатан кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, давлат ва жамият манфаатларини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Муассасалар нотижорат ташкилотлари сифатида давлатга қарашли бўлиши билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида ҳам ташкил этилиши мумкин. Шу сабабли ҳам муассасаларнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва давлат ҳамда нодавлат ташкилоти сифатидаги дуалистик (икки ёқламалик) ҳолатини бирлаштирувчи умумий жиҳатларни ёритиш муҳимдир.

Қолаверса, юридик шахс сифатида муассасаларнинг турлари рангбаранглиги, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштироки турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши ҳам бугунги кунда ўзига хос долзарблик касб этади.

Юридик шахс сифатида муассасалар мақомининг ҳуқуқий асослари ФКда белгиланган. Бироқ мазкур кодексда муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг мол-мулкига оид қоидалар жуда кам бўлиб, асосан давлатга тегишли муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқдир. Шу боис ФКда муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг алоҳида турларига хос бўлган умумий қоидаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, муассасаларнинг юридик шахс сифатидаги мақомини белгиловчи махсус қонунчиликни ҳам ўрганиш ва уларда муассасалар тушунчасини янада аниқлаштириш ва улардан фойдаланишнинг самарали воситаларини ўрнатиш долзарбдир.

Муассасалар юридик шахс сифатида давлат ва жамият ҳаётида катта ўрин тутаяди. Муассасалар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга қаратилмасада, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ва шу орқали муайян даромад кўришлари мумкин. Шу боис муассасаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига оид нормаларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги қонунчиликда муассасаларнинг қайси мулк шакли асосида ташкил этилиши борасида муайян қоидалар назарда тутилмаган. Бу эса ўз навбатида муайян турдаги ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида мулкдор томонидан ташкил этилган ва молиялаштирилаётган юридик шахсни муассаса сифатида эътироф этиши ва



унинг ҳуқуқий мақомини белгилашда қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли қонунчиликда муассасалар айна пайтда давлат ва хусусий шахслар томонидан ҳам ташкил этилиши мумкинлиги қоидаларни назарда тутиш зарур.

ФҚда муассасалар нотижорат ташкилот сифатида белгилангани ҳолда, молиявий таъминлашнинг энг кам миқдори ва унинг муддатлари белгиланмаган. Шу билан бирга ҳозирда Ўзбекистонда муассасаларнинг ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг юридик шахс сифатидаги ўзига хос жиҳатларини алоҳида илмий ишларда ўрганилмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Асосий фаолияти ноишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлган нотижорат ташкилотларнинг ушбу тури икки типда бўлади: бу давлат ва хусусий муассасалар. Умумий қоидага кўра, давлат муассасаларига бошқарув ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, маориф, таълим ва маданият муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ва ҳ.к. киради. Ушбу ташкилотлар, бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларидан ташқари, хусусий ҳам бўлишлари мумкин, агар уларнинг таъсисчилари сифатида жисмоний ёки нодавлат юридик шахслар қатнашсалар. Масалан, амалиётда хусусий болалар боғча, мактаб, музейларни ва ҳ.к. тузиш ҳолатлари тез-тез учраб туради [1].

Хорижий мамлакатларда юридик шахсларни фойда кўриш асоси бўйича турларга бўлиш асослари жуда ўхшаш. Жумладан, АҚШда тадбиркорлик (private, business, profit-making) субъектлари сифатида корпорациялар тушунилади ва уларни ташкил этишдан асосий мақсад фойда олиш (саноат, банк, транспорт, суғурта, шоу-бизнес) ҳисобланади [2].

Нотадбиркорлик (non-profit) корпорациялари, шу жумладан оқартув (университетлар, коллежлар ва бошқалар), диний, кооперативлар ва бошқаларни ташкил этишдан мақсад фойда олиш ҳисобланмайди [3].

Айнан шу жиҳатдан муассасаларнинг мақоми борасидаги ҳуқуқий қарашлар ҳам қарама-қаршидир. Биринчидан, муассасалар институти Германияда комплекс тадқиқ этилган ва жорий этилган. Бироқ муассасалар тушунчаси француз ҳуқуқида қўлланилмаган.

Немисча Stiftung атамасига мутаносиб бўлган атама Францияда мавжуд эмас. Францияда муассасага ўхшаш тузилмалар etablissement d'utilite publique деб юритилади. Бу тузилмалар ижтимоий-фойдали ассоциациялар сифатида эътироф этилади ва улар муайян ижтимоий мақсадни кўзлайди ёки муайян моддий асос (госпитал, мактаб, музей биноси) га эгалиги билан ёки бир шахснинг эрки билан ташкил этилган ташкилот бўлиши мумкин [4].

Н.С.Суворовнинг фикрича, муассаса юридик шахс бўлиб, унинг моддий асоси сифатида муассис томонидан бириктирилган мол-мулк ва таъсис ҳужжатида акс этадиган муассиснинг эрки-иродаси эътироф этилади. У доимий равишда эришилиши талаб этиладиган муайян мақсадни кўзлаб ташкил этилади. Муассаса ҳеч қандай аъзоларга эга бўлмайди, маъмуриятнинг фаолияти устидан назорат ҳукумат органларига тегишли бўлади [5].

Умуман олганда муассасалар нотижорат юридик шахс ҳисобланади. Мустақил юридик шахс сифатида муассасалар барча юридик шахсларга хос бўлган белгилар: ташкилий бирлик, мулккий мустақиллик, мустақил мулккий жавобгарлик ва судда даъвогар ва жавобгар бўла олишга эга.

Муассасалар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ихтисослашмаган. Лекин уларнинг қарзлари бўйича таъсисчиларининг кўшимча (субсидиар) жавобгарлиги учинчи шахслар учун анча енгиллик туғдиради. Шунинг учун бундай қоида нафақат оммавий, шунингдек хусусий мулкдорларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Муассисларнинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгарликнинг белгиланганлиги давлатни маълум бир маънода қийин аҳволга ҳам солиб қўймоқда. Бундай ҳол айниқса, уларни бюджет томонидан муттасил молиялаш имконияти бўлмаган тақдирда юз бермоқда. Шунинг учун давлат муассасаларига ўз фаолиятлари юзасидан кўшимча даромад олиш, ўз қарзлари бўйича шахсан ўзи мустақил жавобгар бўлиш имкониятини яратиш давлат манфаатлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулкдор-таъсисчини субсидиар жавобгарликдан озод қилиш билан бир қаторда давлат муассасаси эгалигида бўлган давлатнинг кўчмас мол-мулкига ва бошқа қимматли бойликларига нисбатан муассасанинг қарзи бўйича ундирувга йўл қўйилмаслиги керак [6].

Муассасалар ўз уставида белгиланган ҳуқуқ лаёқати доирасида кўшимча даромад келтирадиган тадбиркорлик фаолиятининг баъзи турлари билан шуғулланишлари мумкин. Бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ФҚнинг 180-моддасига мувофиқ унинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши лозим. Улар ўзларининг асосий фаолияти доирасида



ҳақ эвазига хизматлар кўрсатишлари мумкин. Муассаса мустақил равишда бошқа юридик шахс ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас, чунки унинг бундай ҳаракати мулкдорнинг мол-мулкини ғайриқонуний равишда тасарруф этиш деб қабул қилиниши мумкин.

Муассаса тузиш учун унинг билан таъсисчи ўртасида шартнома тузилиши ҳам талаб қилинмайди. Чунки мулкдор ўз мол-мулкидан қандай фойдаланиш тўғрисидаги шартларни ўзи мустақил белгилайди. Агар муассаса бир неча мулкдорлар томонидан ташкил этиладиган бўлса, улар муассасани тузиш ва унинг фаолият юритиш жараёнида, шунингдек уни молиялаш борасида вужудга келадиган масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзаро муносабатларини белгилаб олиш учун биргаликда фаолият олиб бориш тўғрисида шартнома тузишлари мумкин. Бундай шартнома ҳам таъсис ҳужжатлари қаторига кирмайди.

Муассасанинг раҳбарини якка ижрочи орган сифатида мулкдор-таъсисчи тайинлайди. Баъзи бир муассасаларда ижро этувчи коллектив орган (масалан, олий таълим ўқув юртларида, илмий-тадқиқот институтларида ва шунга ўхшаш муассасаларда илмий кенгашлар) тузилади.

Муассаса қайта ташкил этилиши, шунинг билан жамоат фондларига ҳамда хўжалик жамиятларига ўзгартирилиши мумкин. Давлат муассасаларини хўжалик жамиятига ўзгартириш фақат қонунда назарда тутилган тартибда йўл қўйилади (“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси 2-қисми). Муассасани тугатиш фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда умумий қоидага мувофиқ амалга оширилади. Тугатилгандан кейин муассасанинг қолган мол-мулки унинг таъсисчисига ўтади.

Давлат муассасалари фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос мустақил субъекти сифатида турли хилдаги ижтимоий, маданий-маърифий тусдаги давлатнинг функцияларини амалга ошириш, мамлакатдаги илм-фан ва маданий тараққиётнинг ривожланишига хизмат кўрсатувчи ташкилот сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши билан характерланади.

Давлат муассасалари ҳам давлатга тегишли бошқа юридик шахслар каби фуқаролик ҳуқуқида ўз номидан иштирок этади ва ўз номидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олади. Албатта фуқаролик ҳуқуқи назариясида давлат муассасаларининг фуқаролик-ҳуқуқий субъектчилигини белгилаш энг асосий эътибор унинг мулкдор – муассис – давлат билан ўзаро муносабати ва давлат муассаси мол-мулкининг мақоми масаласига қаратилади.

Алоҳида турдаги давлат ва бошқа муассасаларнинг ҳуқуқий мавқеининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг фаолияти қонунчиликнинг алоҳида ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин. Хусусан, ҳозирги кунда тиббиёт ва таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми Ҳукумат томонидан тасдиқланган махсус низомлар, қарорлар билан белгиланади.

Германияда юридик шахслар икки асосий гуруҳга – оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ юридик шахсларига бўлинади. Давлат муассасалари ёки Anstalt (бошқарув органлари, кредит ташкилотлари, алоқа, транспорт, турли хилдаги коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) оммавий юридик шахслар ҳисобланади (Германия Гражданлик тузукларининг 89§). Уларнинг мақоми одатдаги бошқарув органлариники билан жуда яқин ҳисобланади[7].

Францияда эса оммавий (давлат) муассасалари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган алоҳида корхоналар бирлашмасидан ташкил топади. Бир томондан бу муассасалар хусусий корхоналарга яқин бўлсада, иккинчи томондан улар оммавий-ҳуқуқий функциялар ва давлат назоратини амалга оширадилар[8].

Муассасаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши одатда икки кўринишда ифодаланади: биринчиси, тадбиркорлик фаолиятини бевосита муассасанинг ўзи амалга оширади ва иккинчиси, тадбиркорлик фаолияти муассаса томонидан ташкил этилган юридик шахс томонидан олиб борилади. Бироқ бу ўринда муассасанинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шартлари, чегараси ва доираси қандай белгиланиши масаласи муҳимдир. ФКнинг 41-моддаси биринчи қисмида юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатига нисбатан аниқ ва қатъий шарт ҳамда чегарани белгилайди. Ушбу нормага мувофиқ, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати таъсис ҳужжатларига белгиланган тегишли фаолият мақсадларига мос бўлиши лозим. Бундай чеклов айни пайтда муассасанинг тадбиркорлик фаолияти “ўта” чекланганлигини кўрсатади. Чунки, муассасалар, шу жумладан, давлат муассасаларининг таъсис ҳужжатларида белгиланган асосий мақсади – ижтимоий ва бошқарув вазифаларини



амалга ошириш ҳисобланади.

Муассасанинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш шарти ФКнинг 180-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган бўлиб, унда қайд этилишича, муассасага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи таъсис ҳужжатларида берилган бўлса, у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Олий таълим муассасалари тўғрисидаги намунавий низомда ОТМ фақат фаолият йўналишарида амалга оширилиши белгиланган. Масалан, ТДЮУ таълим соҳасида, илмий тадқиқот соҳасида, ноширлик соҳасида тадбиркорлик соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига йўл қўйилади.

Бу эса ўз навбатида, муассасанинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини белгиловчи таъсис ҳужжатларини чекловчи ва тақиқловчи ҳужжат сифатида тушунишга сабаб бўлади. Айни пайтда ФКда юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини белгиловчи нормаларни либераллаштириш ва уларнинг барча турдаги юридик шахслар учун уйғунлаштириш ўринли бўлур эди. ФКнинг 41-моддасида белгиланган чекловчи норма ўрнига, юридик шахс ҳуқуқ лаёқати доирасини фуқаролар ҳуқуқ лаёқатига тенглаштириш (айрим истисноларни инобатга олган ҳолда) ўринлидир.

ФКнинг 180-моддаси иккинчи қисмида муассасанинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромади мустақил балансда ифодаланади ва мустақил тасарруф этилади. Айрим мутахассислар (М.К.Сулейменов[9]) ушбу ҳуқуқни алоҳида ашёвий ҳуқуқ деб ҳисоблашади.

Фикримизча, муассасанинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадини мустақил тасарруф этишини алоҳида ашёвий ҳуқуқ ҳисобланиши мунозарали бўлиб, у оператив бошқариш ҳуқуқининг ичидаги муайян бир ҳуқуқ саналади. Албатта, оператив бошқариш ҳуқуқида муассаса мол-мулкни мулкдорнинг топшириғига ҳамда фаолият мақсади ва мол-мулкнинг вазифасига кўра тасарруф этади, ўзининг тадбиркорлик фаолиятдан топган даромади ва шу даромад ҳисобидан олган мол-мулкни мустақил тасарруф этади. Бу ҳуқуқни умумий қоидадан истисно ҳисоблаш мумкин. Бироқ бу мустақил тасарруф этиш муассасанинг устави ва манфаатлари учун қаратилган бўлиши лозим.

Муассасаларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳам рухсат берилган экан, бу фаолиятнинг мулкий асоси ва ундан олинадиган даромад ҳам муассасанинг ўзига тегишли бўлганлиги сабабли ҳам мазкур фаолиятдан юзага келадиган мажбурият учун муассасанинг ўзи жавобгар бўлиши лозим. Мазкур асосдан келиб чиқиб ФКнинг 76-моддаси 3-қисмини куйидаги тахрирда ифодалаш зарур:

Муассаса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд. -Тошкент: 2010. “Vektor-Press” нашриёти, - 178 б.
2. Кўплаб штатларнинг тадбиркорлик корпорациялар тўғрисидаги қонунчилиги 1969 йилги (янги тахрири 1984 йилда қабул қилинган) “Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисидаги” Намунавий қонунга асосланади.
3. Нотадбиркорлик корпорацияларининг фаолияти 1970 йилдаги “Нотадбиркорлик корпорациялари тўғрисида”ги Қонун ва штатларнинг қонуний билан тартибга солинади / Hamilton R. W. The Law of Corporations.-St. Paul: Minn, 1991.
4. Planiol, Traite elementaire de droit civil. –Т.I. –Р., 1937. –Р.1061.
5. Суворов К.С. Об юридических лицах по римскому праву. –М.: 2000.–С.156, 168-170.
6. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 68 б.
7. Гражданское и торговое право зарубежных государств. - М.:Международные отношения. 1993. - 175 с.
8. Белорже Ж.-М. Правовые формы публичного участия в коммерческой деятельности во Франции/ Участие государства в коммерческой деятельности. - М.:2001.-89 с.
9. Сулейменов М. К. Вещные права в Республике Казахстан Алматы: Жеті жарғы, 1999. 360 с



COMPARATIVE APPROACHES TO THE CONCEPT OF CORRUPTION RISKS

Rakhmonov Bekzod Khasanovich

Chief inspector,

Anti-corruption Agency of the Republic of Uzbekistan

Email: bkzdkh@gmail.com

Phone: +998903779766

Annotation: The article analyzes the theoretical aspects of the concept of corruption risks. The opinions of leading scientists on the concept of corruption risks have been studied. The article also provides information on the assessment of corruption risks and its importance in the fight against corruption.

Key words: corruption, corruption risk, decision, corruption risk assessment, convention, law, analysis, civil servant, corrupt act.

Corruption is recognized worldwide as an extremely dangerous social and legal phenomenon, generating problems and threats to the stability and security of the state, destroying the institutions and values of the rule of law, and causing significant harm to the development of the society, in connection with which the problem of combating corruption has become dominant in the national policy of many countries.

However, real counteraction to corruption is only possible if it is seen as a systemic phenomenon. The result of anti-corruption efforts should be the creation of such institutional and legal conditions that will not only effectively detect and punish corruption violations, but, above all, ensure their systemic prevention and avoidance.

According to the United Nations Convention against Corruption, the prevention and eradication of corruption is an obligation of all states. In particular, each member shall aim to establish and promote effective practices aimed at the prevention of corruption [1, P. 9].

The international anti-corruption organization Transparency International studied the level of corruption in 180 countries in 2021 and published a Corruption Perception Index (CPI) on a scale from 100 (very high level of corruption) to 0 (no corruption) [2]. In this CPI the countries were evaluated according to four main criteria:

- 1) the way in which business interacts with the government;
- 2) existence of anti-corruption laws and their implementation in the government
- 3) how transparent government services and procedures are;
- 4) whether there is public control of all of the above processes.

These evaluation indicators also show that the most effective method of fighting corruption is the adoption of measures to prevent corruption, or more precisely, the early detection and corruption risk assessment. Identification and corruption risk assessment make it possible to detect weaknesses in the system of governance, causing corruption of officials in all spheres of state activity.

Analyzing the legal studies, we encounter the problem of defining the concept of corruption risks. It should be noted that the concept of corruption risks as such has not been formed either in scientific studies or in the national legislation. The lack of a clear understanding of this term slows down the process of minimizing corruption risks. However, corruption risks are an official and legal term that is mentioned in some bylaws [3].

Most frequently, this concept is used in the context of combating corruption. Some authors believe that the terms corruption and corruption risk are interchangeable [4, P. 9]. Others define corruption risks as an assessment of the possibility of corruption [5, P. 74]. It is often common to define this term as a corruption problem.

Based on these definitions, we can see that the authors relied mainly on their own opinion and assessment, rather than on normative legal acts [6, P. 47].

In the field of public service, V.V. Astanin considers corruption risks as “the probability of corrupt behavior that may be caused by: non-compliance with duties, prohibitions and restrictions established for civil servants in connection with the passage of public service; implementation of powers in the exercise of professional activities of a public servant” [7, P. 3].

Based on this definition, corruption risks in the activities of executive authorities can be



considered as the possibility of corrupt behavior of a particular public servant, or their group. This corrupt behavior in a public authority may be caused by: non-compliance with duties, prohibitions and restrictions established for civil servants and employees of executive authorities; exercise of powers in the performance of their official activities.

Tashina K.M. conducted a study in which she identified common features of all the definitions given by the authors of various scientific articles. Pursuant to her version, corruption risks are “conditions and circumstances that motivate and open the possibility of entering into corrupt relations” [8, P. 212].

V. Georgiev refers corruption risk to the degree of probability that corruption may occur along with the possible damages associated with corruption [9, P. 4].

Other authors describe corruption risk as conditions conducive to the emergence, development, implementation, and spread of corruption in service and professional activities [10].

Corruption risks are “a high degree of probability of illegally obtaining material benefits for personal purposes, being brought to legal responsibility, caught by law enforcement agencies with subsequent legal liability and other negative consequences provided for by current legislation” [11, p. 93].

When analyzing the definition of corruption risks, it should keep in mind that it consists of 2 terms: corruption and risk. Risk is the possibility of an unfavorable situation. Corruption – illegal use by a person in an official or duty position with the aim of obtaining tangible or intangible benefits in personal interests or in the interests of other persons, and an unlawful provision of such benefit [12].

Based on the above, we believe corruption risks should be understood as possibilities and conditions that motivate and open the possibility of entering into corrupt relations.

Corruption risk assessment is a modern anti-corruption method used in the prevention of corruption as part of a system of measures to counteract its manifestations in the authorities and organizations. This method is aimed at identifying and minimizing the corruption risks in the activities of authorities or organizations and is among the main tools for corruption prevention. In particular, it makes it possible to increase the impact of anti-corruption measures implemented in the organization on the causes and conditions of corruption, as well as on the suppression of real and probable corruption schemes.

At the same time, the implementation of the corruption risk assessment allows us to solve a number of practical problems, including the adjustment of the list of positions, which are associated with high corruption risks, to clarify the action plan to combat corruption in the government or organization, to focus the preventive work of responsible departments on the identified “critical areas”.

At the current time, the corruption risk assessment in international practice is carried out in two main directions (models):

a) at the level of legal regulation of the relevant types or areas of activity (assessment of corruption risks of legal acts and/or their drafts);

b) at the level of actual processes of carrying out such activities (identification of corruption risks in the organizational and managerial activities of public authorities and local governments, as well as other organizations, in order to identify relevant corruption practices, that is, varieties of corrupt behavior).

In worldwide practice, it is the first model that is recognized as the most effective application of assessment. This is due to the possibility of preventing the emergence of institutional preconditions for corruption deformations in administrative procedures. A more comprehensive corruption risk assessment is considered to be carried out by combining these two assessment models.

Corruption risk assessment could be the main tool for preventing corruption offenses in any state bodies, local governments, or organizations of any form of ownership. Since this method makes it possible to ensure that the measures used to fight corruption are consistent with the available means of committing corruption offenses.

References:

1. United Nations Convention Against Corruption. United Nations. New York, 2004. 65-p.
2. Corruption Perceptions Index (CPI) in 2021 published by Transparency International, <https://www.transparency.org/en/cpi/2021>



3. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures for further improvement of the anti-corruption system in the Republic of Uzbekistan” No. DP-5729 dated 27.05.2019; The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures for introduction of the system of rating assessment of efficiency of works on counteraction to corruption” No. PP-81 dated 12.01.2022; Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to improve mechanisms for elimination of corruption risks in public administration and expansion of public participation in this area” No. PP-240 dated 11.05.2022.

4. Кондрат Е.Н. Правонарушения в финансовой сфере России. Угрозы финансовой безопасности и пути противодействия. М., 2014. С. 730.

5. Винницкий, А.В. Публичная собственность. М., 2013. С. 521.

6. Помазуев А.Е. Коррупционные риски: понятие и значение для механизма противодействия коррупции // Электронное приложение к Российскому юридическому журналу. 2016. № 2. С. 62–67.

7. Астанин В.В. Антикоррупционный мониторинг в Российской Федерации // Российская юстиция. 2010. № 7. С. 2–4.

8. Ташина К.М., Пустовалова И.Н. К вопросу о понятии коррупционных рисков // Успехи современного естествознания. 2012. № 4. С. 212–213

9. Georgiev V. (2013). Methods and techniques for assessment of corruption risks in Defence and Security. Journal of Defense Management, S. 3. P. 3–5.

10. Buromensiky M., Serdiuk O., Osyka I., Syrotenkos, Shekhovtsov T., Volianska O. & Kalchenko S. (2009). Corruption risks in criminal process and judiciary. Report prepared by Institute of Applied Humanitarian Research. <https://rm.coe.int/16806edf53>

11. Райков Г. И., Чирков Д. К. Коррупционный риск как следствие борьбы с коррупцией на современном этапе // Актуальные проблемы экономики и права. 2009. № 4(12). С. 93-96.

12. The Law of the Republic of Uzbekistan “On Combating Corruption” No. 419 entered into force on January 4, 2017. National database of legislation of the Republic of Uzbekistan [Website]. URL: <https://lex.uz/docs/405649>, (accessed: August 2022)

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.08.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000